



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИ МАЖЛИСИ

ЎЗБЕКИСТОН қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати кун тартибига 12 та масала киритилган эди. Мажлис қатнашчилари уларни бирма-бир муҳокама этиб, тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида тейишли қарорлар қабул қилдилар.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг навбатдаги мажлисида «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун асосида Ўзбекистон қасаба уюшмалари ҳаракат тактикаси хусусида қилинадиган маъруза лойиҳасига баъзи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Мажлисида маъруза билан чиқиш Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродовга топширилди.

Республика бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида Ўзбекистон қасаба уюшма ҳаракатини ривожлантириш Концепциясининг ва қасаба уюшма аъзолигини асослаш айрим жиҳатларининг лойиҳаси муҳокамасини давом эттириш зарур деб ҳисобланди. Жойлардан келаётган таклиф ва мулоҳазалар Концепция лойиҳасини янада такомиллаштиришга, мазмунини бойитишга хизмат қилаёпти.

Раёсат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ўзбекистон қасаба уюшмалари Низомига оид фикр-мулоҳазалари ва қўшимчалари диққат билан ўрганиб чиқилди. Шу асосда Низомга баъзи ўзгаришлар киритиладиган бўлди.

Мажлис қатнашчилари Озарбайжон, Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон қасаба уюшма марказларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқладилар. Мажлисида Федерация кенгаши фаолиятига оид яна бир қатор масалалар муҳокама этилиб тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисни Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов бошқарди.

ҚАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ МУҲИМ ДАСТУРИ

ЎЗБЕКИСТОН қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг IV мажлиси бўлди. Мажлисни Федерация кенгаши раиси Б. А. Алламуродов очди.

Мажлис қатнашчилари куйидаги кун тартибининг тасдиқладилар:

1. Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосидаги ҳаракат тактикаси ҳақида.

2. Республика бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида Ўзбекистон қасаба уюшма ҳаракатини ривожлантириш Концепцияси ва қасаба уюшма аъзолигини асослаш муаммосининг айрим жиҳатлари лойиҳаси тўғрисида...

3. Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг Низомига ўзгаришлар киритиш тўғрисида.

4. Ташкилий масалалар.

5. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг III ва IV мажлислари оралиғи давридаги фаолияти тўғрисида ахборот.

Мажлисида «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун асосида қасаба уюшмаларининг тактикаси ҳақида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов маъруза қилди. Маърузада Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасига, республика бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида қасаба уюшма ҳаракатини ривожлантириш Концепцияси лойиҳасига, қасаба уюшмалари Низомига киритиладиган ўзгаришларга ҳам муносабат билдирилди.

Маърузани муҳокама этишда республика агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Т. К. Қўшаев, Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши раиси М. М. Мирпўлатов, Фанлар академияси ходимлари қасаба уюшмаси республика қўмитаси раиси И. Х. Абдуганиев, Наманган вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси Х. Абдурахимов, республика металлургия қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси М. Жамолдиннов, Навоий вилояти қасаба уюшмалари кенгаши раиси С. А. Махнева, Булунгур район агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Т. Йўлдошев, Навоий номидаги давлат академик катта театри солисти, Ўзбекистон халқ артисти К. Муҳиддинов ва Урта Осиё кўмир саноати ўзбекистон қасаба уюшмаси ҳудудий қўмитаси раиси В. Н. Тарасов ўртоқлар қатнашдилар.

Мажлисида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

(Мажлис иши ҳақидаги ҳисобот газетада эълон қилинади.)



ҚЎЗГУЛАР МАСКАНИ

ТОШКЕНТ ижара пудратидagi ойна-мебель корхонаси Ўзбекистондаги мебель фабрикалари ва бирлашмалари учун ойна ва қўзгулар тайёрлаб беради. Шунингдек, кичик мебель жихозлари, тош ойналар ишлаб чиқаради.

— Корхонамиз учун зарур ойналарни ўрусиядан оламиз. — дейди фабрика директори Ҳабибулло Тожиев, — кунига уч ярим минг квадрат метр ойна келади. Уни қайта ишлаймиз. Нарх-наво ошиши билан ойнанинг ҳам нархи кўтарилиб кетди. Шунга қарамай, маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатганимиз йўқ. Ўтган ойлар мобайнида саткам 70 миллион сўмлик маҳсулот тайёрладик. Мақсадимиз йилни муваффақиятли якунлаш, йил давомида олинган иқтисодий фойдани 20 миллион сўмдан оширишдир. Мавжуд учта цехда 160 киши ишлайди. Уларнинг ўртача маошлари 5 минг сўмни ташкил этмоқда. 7 миллион сўм маблағ сарфлаб корхонани янгидан қураймиз. Шу қуларда пардозлаш, усқуналар ўрнатиш ишлари давом этапти. Янги йилнинг биринчи чорагидан янги бинода иш бошлаймиз.



Ҳозирда кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш умумий маҳсулотимиз ҳажмининг тўртдан бир қисмини ташкил этаётир. Келгусида уни янада кўпайтириш ниятимиз бор. Шу мақсадда ойна чиқинди — синикларни эритиб, турли хил рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Бу хусусда Туркиядаги фирма билан ҳамкорликда қўшма корхона очиш мўлжалимиз бор.

Т. АЛИМОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

● Суратларда: Вакуум цехининг метализаторлари Мухтабар Олимжонова (чапда) билан Жамила Усгановалар иш устида суҳбатлашяптилар. Мебель ойналари цехи оператори Галя Трубицина. Тош ойна тайёрлаш цехи устаси Лазер Тулчинский шогирди Бахтиёр Эшонхоновга ойна қирқиш сирларини ўргатмоқда.

Даврон Аҳмад олган суратлар.

Хабарлар мағзи



● ИЛГАРИ хабар қилинганидек, 8 декабрда Тошкентда ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси очилди. Сессия муҳокамасига 28 та масала киритилган.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси республикамиз ўқув юрларида таълим олаётган Афғонистон Ислам давлати фуқаролари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда Афғонистон Ислам давлатига миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатиш лозимлиги таъкидланган.

● ТЕРМИЗДА Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Россия ҳарбий маҳкамалари раҳбарларининг Тожикистонга тинчлик ўрнатувчи кучларни киритишга бағишланган учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда қўшни республикада аҳволни барқарорлаштириш учун шошилинч чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

● БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби Бутрос Ғолий Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига мактуб йўллади. Унда жумладан шундай дейилади:

Жаноб Президент!
Ушбу мактубни мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байрами муносабати билан юборган табрикномангиз учун ташак

кур айтиш ниятида ёзмоқдаман. Тожикистондаги аҳволни ўрганиш мақсадида БМТ вакилларини юбориш тўғрисидаги қароримга муносиб баҳо берганингиздан мамнунман.

...Жаноб Президент, Сизга ишончим чексиздир. Шу туйғуларимни қабул қилгайсиз.

● ИҚТИСОДИЙ Ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари Ташқи ишлар Вазирлари кенгашининг Исломободда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон шу минтақа ташкилотига аъзо бўлди.

● ТОШКЕНТДА МДХ мамлакатлари иогиронлар футбол жамоалари ўртасида Хайрия кубоги мусобақалари ўтказилди. Унда Тошкентнинг «Матонат-1» жамоаси энг кўп очко тўплаб, кубок соҳиби бўлди.

???

Ушбу нома орқали ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хўжаликларнинг бош мутахассислари (агроном, зоотехник, ирригатор, механик) иш жараёнида ўзларининг шахсий транспортларидан фойдаланганликлари учун берилган компенсациялар тўғрисида ва уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида маълумот берилишини сўрайман.

Н. ТОШМАТОВ,
Наманган вилояти, Поп район,
«Иттифоқ» хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.

Мазкур саволга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг бошқарма бошлиғи Б. Раҳимбоев қуйидагича жавоб беради:

— Ҳозиргача қўлланилаётган собиқ СССР Вазирлар кенгашининг 1988 йил 23 январидagi «шахсий энгил автомобиллардан хизмат доирасида фойдаланилгани учун товон пули бериш тартиби ва унинг миқдори ҳақида»ги 96-қарори, шунингдек, давлат режа қўмитаси, Молия вазирлигининг ўша йил 73-махсус хатига биноан корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимлари иш фаолиятлари билан боғлиқ зарурий ҳолларда ўз шахсий автотранспортларидан фойдаланганликлари учун тўланадиган товон пули энг юқори миқдорда белгиланган.

Энгил автомобилдан хизмат юзасидан фойдаланилганда шу корхона, муассаса ва ташкилотлар учун ажратилган маблағ ҳисобидан товон пули тўланади.

Мазкур масала бўйича ўзаро келишмовчилик туғилган тақдирда республика Молия вазирлигига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

???

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июндаги фармонида мувофиқ халқ таълими бўлимига қарашли ўқитувчи ва тарбиячиларининг иш ҳақлари 1,8 баробар, халқ таълими бўлими методист ва назоратчиларининг иш ҳақлари 1,5 баробар оширилди.

Назоратчи ва услубшунослар бюджет ҳисобидаги бошқа ташкилот ва муассаса ходими эмас, балки улар ҳам халқ таълими ходимлари-ку? Шундай бўлганда, уларнинг иш ҳақлари нима учун 1,8 баробар оширилмайди?

Ҳозирги қийин шароитда методист ва назоратчилар автобуслар учун ойига 400—500 сўмлаб сарф қилиб боришади. Шу тўғрими?

С. ШАЙМАРДОНОВ, М. ШАРИПОВ, Г. КЕНЖАЕВ, К. НОРМУРОДОВ, Д. УРИНОВ, А. АБДУРАҲМОНОВ, Б. ДУСТҚОБИЛОВ, Х. СОЛИҲОВ, Ж. НУРМОНОВ, Т. САИДОВ, У. НОМОЗОВ, В. АЛИЕВ,

Қашқадарё вилояти, Гузор райони,
Халқ таълими назоратчи ва услубшунослари.

Юқоридаги саволга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини Х. Ф. Маъсудов жавоб беради:

Республикамиз ўқитувчилари ва бюджет идораларида ишловчиларнинг иш ҳақи бос-

қичма-босқич ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ бугунги кунда бошқарув аппаратларида, ўқитувчилар малакасини ошириш билимгоҳлари ходимлари, услубшунос ва назоратчилар мавжуд имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Бу тоифа педагог ходимлар ҳақида Вазирлар маҳкамасига бошқа қатор таклифлар билан ҳам мурожаат қилинган. Шунингдек, ҳукуматга қишлоқ мактабларида ишлаётган педагогларга йўл ҳақи имтиёзлари берилиши ҳам сўралган. Бу масалалар яқин ўртада ижобий ҳал этилса ажаб эмас.

???

Менинг отам II гуруҳ ногирони эди. Ундан беш нафар фарзанд қолганмиз. Онам олаётган кексалик нафақаси бизни боқиб тураётганга етмайди. Шунинг учун отам тирикчилигида олаётган нафақасини онамнинг нафақасига қўшиб олиш мумкинми? Отам ололмайдиган автомашинасини онам олишга ҳақлими? Бундан ташқари бизга яна қандай имтиёзлар бор?

Маҳманазар ЖОНҚОБИЛОВ,
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ райони.

Ушбу саволга Ўзбекистон Социал таъминот вазирлигининг ижтимоий хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи Л. Гурина жавоб беради:

Онангиз вафот этган ҳарбий хизматчи отангизга тайинланган нафақа олишга ўтишлари масаласида яшаб турган жойингиздаги ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга онангиз қуйидаги имтиёзлардан фойдаланишга ҳуқуқлидирлар:

1. Яшаш жой учун ҳақ тўлашдан озод қилинади.
2. Газ, сув, электр-энергиядан фойдаланганликлари ва газлаштирилмаган уйларда яшовчилар учун эса ёқилғи сотиб олишда 50 фоиз арзон нархда ҳақ тўлайдилар.
3. Товоқсой ва Олтиариқ санаторийлари учун бепул йўлланма билан таъминланадилар.
4. Уй қуриш ва уйларни тўлиқ таъмирлаш учун навбатсиз қурилиш материаллари оладилар.
5. Шифохона ва бошқа даволаниш муассасаларида бенавбат даволанадилар.
6. Отангиз фойдаланолмаган «Запорожец» автомашинасини эса онангиз номига берилмайди.

Қуйидаги саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлим мудири Ҳамидулла Пиримқулов жавоб беради:

???

1. Бизнинг Деҳқонобод райони ҳокими ишдан кейин олиб қолиб мажлис ўтказди. Баъзан мажлис кечаси соат 12 гача давом этади. Шу тўғрими?

2. Бизнинг совхоздаги хизматчилар эрталаб соат еттидан кеч соат еттигача, ҳатто тўққизгача ишлашга ҳам мажбур этилмоқда. Кунига ўн, ўн икки соат ишлаш қонунда борми? Менимча, етти соатдан зиёд ишлангани учун қўшимча ҳақ тўланади шекилли?

Шуларга аниқ жавоб берсангиз.

Нарзулло ЭРДОНОВ,
Қашқадарё вилояти,
Деҳқонобод райони.

1. Мажлисларни ўтказиш вақти, яъни иш вақтида ўтказилиши керакми ёки иш вақти-

дан сўнгми — бу масала қонунчилик билан тартибга солинмаган. Шунинг учун ишлаб чиқариш мажлисларини ўтказишга боғлиқ масалаларни ташкилотчилар билан мажлис аҳли ўзлари келишилган ҳолда ҳал этадилар.

Корхонанинги ички меҳнат тартиб қоғдаларида кўрсатилган ҳолда, агар ишлаб чиқариш мажлислари иш вақтида ўтказилса, унда шу корхона ишчи-хизматчиларининг бундай мажлисда иштирок этишдан бош тортишлари маъмурият томонидан уларга у ёки бу интизомий чора қўлланишига асос бўлади.

2. Меҳнат қонунлари ҳақидаги мажмуанинги 108-моддасида айтилишича иш вақтидан ташқари маҳал бажарилган иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўланади.

Вақтбай иш ҳақи тўланадиган бўлса иш вақтидан ташқари маҳал бажарилган ишнинг биринчи 2 соатига 1,5 баробар, қолган соатлари учун эса 2 баробар миқдорда ҳақ тўланади.

Ишбай ёки ягона тариф жорий этилган халқ хўжалиги тармоқларида эса биринчи икки соат учун 50 фоиз, қолган соатлари учун эса 100 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўланади.

Бирок мазкур қоғдалар иш вақти нормалаштирилмаган ходимларга тадбиқ этилмайди.

Сизни иш жойингиз давлат хўжалигида бўлгани учун яна шуни айтиш керакки, собиқ Совет Иттифоқи Министрлар Советининг 1962 йил 24 майдаги қарорига биноан хўжа-

лик директорларига ва бошқа давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига далада иш қизғин даврдаги иш кунини касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда 10 соатга-

ча узайтириш ҳуқуқи берилган. Бундай иш — далада иш кам бўлган даврда иш кунини 5 соатгача (агар ишчи-ходим рози бўлса бундан ҳам камроқ) қисқартириш йўли

билан қопланади. Агар иш куни қисқартиришининг имконияти бўлмаса, ойига 5 кунгача (ишчи ходимнинг розилиги билан бундан

ҳам кўпроқ) дам олиш куни бериш билан қоплаш мумкин.

???

— Менинг онам Қарши шаҳридаги корхоналарнинг бирида ишлаб, шу ердан кексалик нафақасига чиққан эдилар. Ҳозир ногирон укамга қараб туриш учун қишлоқда яшайдилар. Энди нафақани (укам учун қўшимча олаётган 275 сўмни ҳам) шаҳар алоқа бўлимига бориб олишлари керакми ёки уни қишлоқ районида ўтказиш мумкинми?

М. АБДУРАСУЛОВ,
Қашқадарё вилояти.

«Фуқароларни нафақа билан таъминлаш ҳақида»ги қонуннинг 107-моддасига биноан ишлаб туриб, нафақа олувчиларга ўзлари яшаб турган жойлардаги социал таъминот бўлиmlари томонидан тўланади. Демак, Сизнинг ногирон укамиз учун ҳам ўзи яшаб турган қишлоқ район социал таъминот бўлими нафақа тўлаши зарур.

Саҳифани Маънавийят, Маданият ва хатлар бўлими тайёрлаган.



Эргалаб ўйнаб-қулиб ишга кетган киши кечқурун яна яхши кайфият билан ўз оиласи бағрига қайтиши керак. Афсуски, баъзан шундай бўлмайди. Ишлаб чиқаришда рўй берадиган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида у касалхонага тушади, ё ҳаётдан бевақт кўз юмади. Бу ниҳоятда даҳшатли ҳол. Бундан худонинг ўзи асрасин.

Ишлаб чиқаришда шикастланишларни камайтириш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан Тошкент шаҳар агросаноат комплексига кирувчи корхоналарда қандай тадбирлар амалга ошириляпти? Мухбири-мизнинг шаҳар агросаноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н. Ғ. Умарова билан суҳбати шу мавзуда борди.

— МЕХНАТ хавфсизлигини таъминлаш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бўлимас қисми эканлиги ҳаммага маълум,— деди Нонла Одиллова.— Қаерда иш шароити яхши бўлса, ишчи ва хизматчиларга кўрсатилаётган санитария-маиший хизмат намунаси йўлга қўйилган бўлса, ўша жамоада барча ишлар кўнгилдагидек бораляпти. Кўпгина саноат корхоналарида меҳнат шароити кейинги йилларда сезиларли даражада ўзгарди: янги техника ва технология жорий этилди, оғир қўл меҳнати енгиллашди, ишчи ўринларининг эстетик ҳолати яхшиланди, санитария-маиший хоналар кўпайди.

Биз вақти-вақти билан ўз тизимимиздаги корхоналарда бўлиб, техника хавфсизлиги қондаларига қандай амал қилинаётганлигини текшириб турибмиз. Кейинги пайтларда

Тошкент пиво заводи, 2-нон заводи, 2-ун комбинати, «Конструктор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналарда текширувлар ўтказдик. Комиссия аъзолари меҳнат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўриляётган тадбирларни кўриб мамнун бўлдилар. Шароит яхши бўлганлиги учун ҳам бу корхоналарда кадрлар кўнимсизлиги барҳам топди, бахтсиз ҳодисалар сони кескин камайди. Касалланиш ҳоллари тобора қисқариб бораляпти. Жамоалар тўла куч билан ишлаётганлиги учун ҳам ишлаб чиқариляётган маҳсулотлар ҳажми кенгайиб бормокда. Ҳозир бу жуда ҳам муҳим.

— Қани энди ҳамма корхоналарда ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўласак...

— Афсуски, унумдорлик кўп жиҳатдан иш шароитига боғлиқ эканлигини тушуниб етмайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Текширувлар давомида соғлом ва хавфсиз иш шароитини яратиб беришга эътиборсизлик билан қараётган мансабдор шахсларнинг 12 нафарига маъмурий жазо берилди, жарима солинди. Жазоланганлар орасида Ўзбекистон ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли маҳсус қурилиш-монтаж бошқармаси бош муҳандиси А. Обидов, Тошкент ёғ-мой комбинати директорининг ўринбосари С. Бут, Тошкент шампан виноси заводи бош энергетиги А. Абелевич ва бошқалар бов эди.

Хўжалик раҳбарларининг лоқайдлиги қимматга тушаяпти. Ўтган йили техника хавфсизлигини таъминлашга етарлича эътибор берилмаганлиги оқибатида бир қатор бахтсиз ҳодисалар рўй бериб уч киши ноубуд бўлди, «Тошкентвино» комбинатида 84 иш кўни йўқотилди. Бу йил ҳам бир ишчининг ўлимига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса «Ўзоргпишчепром»нинг қурилиш-монтаж бошқармасида рўй берди. Воқеа 15 октябрда содир бўлди. Техника хавфсизлиги таъминланмаганлиги учун «Лаззат» қандолатчилик бирлашмаси объектларидан бирида ишлаётган ишчи электр токидан ҳалок бўлди. Бир оила бошига оғир мусибат тушди. Бундай кўнгилсиз ҳоллар ҳар бир хўжалик раҳбари учун жиддий сабоқ бўлиши керак.

Биз ўлим билан боғлиқ ҳар қандай бахтсиз ҳодиса сабабларини чуқур таҳлил этишга ҳаракат қилаёلمиз. Уларнинг аксарияти кўпинча мансаб-

дор шахсларнинг бепарволиги, масъулиятсизлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Хўжалик раҳбарлари меҳнат хавфсизлигини таъминлашга иккинчи даражали вазифа деб қарашга ўрганиб қолишган. Корхона ёки ташкилот раҳбарлари ўтказаятган мажлисларда кўпроқ режа, топширик хусусида гап боради-ю, лекин шуларни бажарувчи инсонларга зарур шароитларни яратиб бериш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш хусусида лом-лим дейилмайди.

Ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳоллари кўпроқ ишга янги келган кишилар ўртасида рўй бормокда. Демак, уларга меҳнат хавфсизлиги қон-

ланган кишиларга тоvon пулини тўлаш тартиби республика меҳнат вазирлиги ва касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши йўллаган ҳужжатларда очик-ойдин баён этилган. Лекин корхона раҳбарлари ва касаба уюшмаси кўмиталари уларга амал қилишмаяпти. Республика таъминот базасида, Янгибозор кўчма механизациялашган колоннасида шундай ҳоллар сезилаяпти. Шу боисдан одамлар мазкур масала бўйича бизга мурожаат этишга мажбур бўлмоқдалар.

— Ун, гуруч заводларида бўлганимизда чанг-чунгда ишлаётган ишчиларни кўрдик. Шундай шароитда ҳар кунни саккиз соатдан ишлашнинг ўзи бўладими? Ахир, бу умрнинг заволи-ку.

— Тўғри айтасиз. Ғалла маҳсулотлари, ёғ-мой, озик-овқат саноати корхоналарининг кўпчилигида чанг ютичлар ишламайди. Бу масалада

биз хўжалик раҳбарларини ҳар йилгилишда танқид қиламиз. Лекин ўзгариш сезилмаяпти. Устига-устак кўп

«Ташхлебпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасидан бошқа нон заводларининг бирортасида ҳам техника хавфсизлиги бўйича муҳандис штати сақлаб қолинмаган. Бу вазифани кўпроқ бош муҳандис ўз зиммасига олган. Лекин у ўз юмушлари билан бўлиб, техника хавфсизлиги масалалари билан шуғулланишга вақт топа олмаляпти.

Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси бўйича хоналар ва кабинетларни жиҳозлашга ҳам эътиборсизлик қилинмоқда. Илгарилари шундай жойлар бўларди. Уларда ўқув машғулоти, суҳбат ва лекциялар ўтказиларди. Энди эса улар тугатиб юборилган.

Ишчиларга техника хавфсизлиги қондалари ўргатиладиган жой ҳаммиша керак. Буни раҳбарлар яхши билишлари лозим.

— Техника хавфсизлигини таъминлаш, иш шароитини яхшилаш хусусида сўз борганида санитария-маиший хоналар ҳам эсдан чиқмаслиги керак.

— Дарвоқе шундай. Тармоғимизда юз фоиз санитария-маиший хоналар билан таъминланган корхоналар бар-

моқ билан саналарлидир. Улар қаторида 2-нон заводи, пиво заводи, 2-дон маҳсулотлари комбинатини тилга олиш мумкин. Лекин кўпгина корхоналар санита-

рия-маиший хоналар билан таъминланмаган. Борлари ҳам тоза ҳолда сақланмайди, душхоналар ишламай-

ди. Тажриба-механика заводида, 1-ун комбинатида, «Ўзағроводканал»да, 3, 4, 5-нон заводларида, шампан винолари заводида шундай ҳолни кўриш мумкин. Текширув пайтида бу соҳадаги камчиликларни корхона раҳбарларига кўрсатдик, ишни яхшилашга қаратилган шошилиш чоралар кўришни талаб этдик.

Ишчининг иш унуми кўпгина омиларга боғлиқ эканлигини яхши биласиз. Айниқса, умумий овқатланиш корхоналари иши киши кайфиятига тез таъсир кўрсатади. Комиссиямиз аъзолари тармоқ корхоналарида иш шароити ва меҳнат муҳофазасининг аҳволини текширганларида шу соҳага ҳам алоҳида эътиборни қаратдилар. Шунда кўп жойда умумий овқатланиш корхоналари иши қоникарсиз ташкил этилганлиги маълум бўлди. 4-нон заводида 200 киши ишлаётган бўлишига қарамай, 20 ўринли ошхона мавжуд, холос. 5-нон заводида ҳам шундай аҳвол кўзга ташланди. Бунинг устига ошхоналарда тозалikka мулақо рию этилмаяпти. Сутли маҳсулотлар, умуман кўринмайди. Ўйлаймизки, умумий овқатланиш корхоналарининг раҳбарлари танқидимиздан тегишли ҳулоса чиқариб оладилар.

Кўплаб кўнгилсиз ҳолатлар республикамизда меҳнатни муҳофазаси этиш тўғрисидаги қонуннинг йўқлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Ҳозир шундай қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Касаба уюшмаси кўмиталари меҳнатқашларни химоялашга даъват этилганлар. Шундай экан, биз меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар тузишимиз, жамоатчи инспекторлар сайлаб олишимиз ва уларнинг фаол ишлашини таъминлашимиз керак. Ҳозир бу йўналишда маълум ишлар қилинаёпти. Шубҳасиз, касаба уюшмаси ташкилотлари хўжалик раҳбарлари билан ҳамкорликда меҳнатқашларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилашдек муҳим вазифани сўзсиз адо этишга ҳаракат қилаверади.

Суҳбатдош: Жасур НОСИРОВ.

ИНСОННИ АСРАЙЛИК



далари етарлича ўргатилмаяпти, гўр ёшлар бирданига хавфли участкаларга ишга қўйилаяпти. Бундай ҳоллар «Ўзхлебпродукт» бирлашмаси корхоналарида, Янгибозор кўчма механизациялашган колоннасида, «Ўзмясомолспецавтотранс» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 3-автобазада, нон-булка комбинатида тез-тез учраб турибди.

Бир қатор корхона ва ташкилотлардаги техника хавфсизлиги хизмати ходимлари ўз вазифаларига ниҳоятда масъулиятсизлик билан қараяптилар. Шикастланишнинг олдини олувчи чораларни кўрмаляптилар. Касаба уюшмаси ташкилотлари ҳам бу масаладан ўзларини четга олиб қочаяптилар. Масалан, «Ташкентвино» комбинатида шундай бўляпти. Бу ерда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар аниқ-равшан ҳужжатлаштирилмайди, корхона раҳбарлари эса ўйламай-нетмай уларга имзо чекаверадилар. Н-1 нусха бўйича актларни расмийлаштиришга «Ташхлебпром», «Ўзпишчепром» корхоналарида ҳам эътиборсизлик билан қаралаёпти.


— Одатда ишлаб чиқаришда шикастланиш ишчиларга тоvon пули тўлалиши керак. Касаба уюшмалари бу масалага қандай қараяпти?

— Кўпгина корхоналарда шикастланишдан тўрилан зарарга бир ғаллик тоvon тўлаш билан чегараланишляпти. Бу нотўғри, албатта. Шикаст-

жойларда бузук усқуналардан фойдаланиляпти. Бунинг учун бизнинг техник инспекторларимиз жарима ҳам солди. Қонун йўқлиги учун кўшимча чоралар кўриш ҳуқуқидан маҳрумимиз.

Корхона раҳбарлари ишчи ўринларини паспортлаштириш чораларини кўришлари керак. Шунда ишчи ўрни қай даражада ифлосланганлиги, шовқинлиги, зарарли моддаларга бўлганлиги аниқ-равшан маълум бўлади. Кейин бунга қарши бирор чора кўрилиши мумкин. Уларни амалга ошириш биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг билимига, куч-ғайратига боғлиқ, деб ҳисоблайман.

Бахтсиз ҳодиса бўлмаслиги учун ишчилар техника хавфсизлиги қондаларини пухта билишлари керак. Ўқувни ташкил этишда, ишчиларни синовдан ўтказишда техника хавфсизлиги бўйича муҳандислар алоҳида рол ўйнашлари керак. Лекин уларда бундай ғайрат йўқ. Текширув ўтказганимизда, ҳар тўртинчи ишчи, инженер-техник ходим меҳнат хавфсизлиги қондалари ва нормасининг олдий талабларини ҳам билмасликлари маълум бўлди. Техника хавфсизлиги хизмати цех ва участкаларда профилактик ишлар олиб бормайди, шикастланишга сабаб бўлувчи факторларни олдиндан бартараф этмайди. Айрим корхоналарда техника хавфсизлиги бўйича муҳандислар ўз вазифаларида ишламайдилар. Раҳбарлар улардан бошқа участкаларда фойдаланмоқдалар ёки штатини қисқартириб юбормоқдалар.



ДЕКАБРЬ

7 ДУШАНБА

УзТВ I
18.00 Янгилар. 18.10 «Медуза нима эшитди?» Мультфильм. 18.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Сонинч». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Санъат олами». 19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 20.00 Хукумат тadbирлари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси бўлди. 22.00 Ўзбекистон санъат усталари ва ёш ижрочиларининг концерти. 23.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилар (АҚШ).

УзТВ II «ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 Болалар учун. «Совга». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Миришкорлар». 20.40 «Билиб қўйган яхши». 20.55 «Лаҳза». Хабарлар. 21.05 «Тўйлар мубораки». Бадий фильм. «ОРБИТА IV»

18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 «Иқболи кулганда». 19.05 «Дорем» мультфильм. 19.15 Футбол шарҳи. 19.45 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп сериали бадий фильм премьераси. 4-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 «Спорт уик-энди». 21.40 «Турмуш икки чирлар». Бадий телесериал премьераси. 10-серия. 22.10 «Янги студия» таништиради: «Матбуот-клуби». Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.35 Душанба кун детектив. «Курача». Бадий фильм.

20.10—24.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

8 СЕШАНБА

УзТВ I
18.00 Янгилар. 18.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Истеъодларни излаймиз». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти театрининг яққолини Асадулла Хонидов кўйлайди. 19.50 Сессия кундалиги. 20.00 «Замин қалбага қулоқ тут». Телефильм. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши ҳақида ҳисобот.

УзТВ II «ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 «Бизнинг интервю». 18.50 «Музыкали меҳмонхона». 19.30 «Алоқалар ва шартномалар». 20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилар (АҚШ). 21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилар. 9.20 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп сериали бадий фильм премьераси. 6-серия. 10.20 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Бенфика» (Португалия) — «Динамо» (Москва). Португалиядан кўрсатилади. 12.00 Янгилар. 12.20 «Чин инглизча қотиллик». Бадий фильм. 1-серия.

УзТВ II «ТОШКЕНТ»

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Кулиб боқ, кичкинтой». 20.20 «Ирик планда». 21.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилар (АҚШ). 21.50 «Уй-жойларни хусусийлаштириш». 22.50 «Водиллик келини». Бадий фильм. «ОРБИТА IV»

УзТВ I

18.00 Янгилар. 18.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Истеъодларни излаймиз». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти театрининг яққолини Асадулла Хонидов кўйлайди. 19.50 Сессия кундалиги. 20.00 «Замин қалбага қулоқ тут». Телефильм. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши ҳақида ҳисобот.

УзТВ II «ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 «Бизнинг интервю». 18.50 «Музыкали меҳмонхона». 19.30 «Алоқалар ва шартномалар». 20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилар (АҚШ). 21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

саб». 12.00 Кундузги сеанс. «Оқ Бим Қора қулоқ». Бадий фильм. 2-серия. 13.25 Мультфильм. 13.35 «ТИНКО» Савдо уйи. 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 16.00 «Телебиржа». 16.30 «Рост» студияси. «Арт-зона». 17.00 Янгилар. 17.15 Мультфильм. 17.25 «Эҳром — жону таним». 17.55 Эълонлар.

18.00—22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи сьездининг иши ҳақида ҳисобот. 23.20 Санъат майдони. «Композитор С. Губайдулина». 00.05 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи сьездининг иши ҳақида ҳисобот.

9 ЧОРШАНБА

УзТВ I
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «Соликон ота ҳофиз ҳузурда». 8.20 «Най навоси». Бадий фильм. 9.45 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.15 «Тошкентга марҳамат» Телефильм. 10.30 Уқув кўрсатуви. Физика. Еруғлининг тўлқин хосаси. 11.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти. 11.30 Уқув кўрсатуви. Жуғрофия. Урта Осиё ва Қозоғистоннинг табиий географик ривожлантирилиши.

18.00 Янгилар. 18.20 «Бўрсик учун уй». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Кичкинтой» устaxonаси. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Санъат усталари ижросида концерт. 19.50 Сессия кундалиги. 20.00 Санъат усталари ижросида концертнинг давоми. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши ҳақида ҳисобот.

УзТВ II «ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...» мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Кулиб боқ, кичкинтой». 20.20 «Ирик планда». 21.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилар (АҚШ). 21.50 «Уй-жойларни хусусийлаштириш». 22.50 «Водиллик келини». Бадий фильм. «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилар. 9.20 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп сериали бадий фильм премьераси. 6-серия. 10.20 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Бенфика» (Португалия) — «Динамо» (Москва). Португалиядан кўрсатилади. 12.00 Янгилар. 12.20 «Чин инглизча қотиллик». Бадий фильм. 1-серия.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Телемикст». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Майя арис». Кўп сериали мультфильм. 16.40 Сергей Радонежский ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Астра» ижодий уюшмаси). 17.10 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади. 17.50 «Матбуот-экспресс». 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Калина қўшиғи». Черновцидан кўрсатилади. 18.45 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп сериали бадий фильм премьераси. 6-серия. 19.45 Ю. Паничнинг муаллифлик кўрсатуви. «Уйга йўл», «Узингиз ҳал қилинг». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 Букернинг адабий мукофоти Россияда. 21.40 «Веди». 22.20 «Мана... яна Насриддин». Телевизион бадий фильм. 23.40 Тула Давлат хорининг концерти. 24.00 Янгилар. 00.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. МАСК — «Глазго Рейнджерс» (Германиядан олиб кўрсатилади).

«ДУБЛЬ IV»

15.55 «Сигнал». 16.10 Трансрoсэфир. «Узоқ Шарқ». 16.55 Янгилар. 17.10 Мультфильм. 17.25 «Бугунги кунда «Чапақай» зарурми?». 17.55 Эълонлар.

18.00—22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи сьездининг иши ҳақида ҳисобот.

10 ПАЙШАНБА

УзТВ I
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 Ер ва дийр тароналари. 8.10 «Сени кутамиз, Темур!». Бадий фильм. 9.40 Турк тили. 10.10 «Павлово халқ амалии санъати». Телефильм. 10.30 Уқув кўрсатуви. Информатика. Бейсик тилининг буйруқлари бўйича амалии машғулот. 11.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Рўзгор ташвишлари». 18.00 Янгилар. 18.20 «Сабахат».

Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Авазбек Маҳмудов кўйлайди. 19.50 Сессия кундалиги. 20.05 «Ер ости бойликлари». Телефильм. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши ҳақида ҳисобот.

УзТВ II «ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Табассум». 19.00 «Театр учрашувлари». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилар (АҚШ). 21.50 «Пульс». Хабарлар. 22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилар. 9.20 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп сериали бадий фильм премьераси. 7-серия. 10.20 Футбол. Чемпионлар лигаси. 12.00 Янгилар. 12.20 «Чин инглизча қотиллик». Бадий фильм. 2-серия.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Телемикст». 16.10 «Майя арис». Кўп сериали мультфильм. 17.00 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади. 17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 17.50 «Матбуот-экспресс». 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар» (давоми). 18.55 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп сериали бадий фильм премьераси. 7-серия. 19.55 Николай Озерова аталган гулдasta (туғилган кунининг 70 йиллиги). 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 «Катта Шимол қаерда?». Телевизион бадий фильм премьераси (Финляндия). 22.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. 23.30 «Останкино» хит-паради. Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 Трансрoсэфир. «Узига тўқ қиласан репортаж» (Оренбург). 9.15 Инсон ҳуқуқлари кўни. «Қонли ҳошияли қора байроқ». 9.40 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 9.55 «Бурда моден» таклиф этади... 10.25 «Епиқ шаҳар». 10.55 «Тилла шпора». 11.25 «Ноктюрн». Видеолаҳза. 11.45 «Сатирикон» студияси. С. Альтов. 12.15 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 110-серия. 13.05 «Рус қўшиғи эса мангу яшайди» (Оренбург шаҳри). 13.50 «ТИНКО» Савдо уйи. 13.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 15.40 «Бозорни ўрганамиз». 16.10 «Рост» студияси. «Тон-лабиринт». 16.40 Янгилар. 16.55 «Нефть». 17.25 Шундай яшаймиз. «Кечир, курол...» 17.55 Эълонлар.

18.00—22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи сьездининг иши ҳақида ҳисобот. 23.20 Санъат майдони. «Композитор С. Губайдулина». 00.05 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи сьездининг иши ҳақида ҳисобот. 01.10 «Эдита Пьеха базми».

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «Хоразм гулдастаси» ансамблининг концерти. 8.20 «Шум болан». Бадий фильм. 10.00 Араб тили. 10.30 Уқув кўрсатуви. Биология. Оқсиллар биосинтези. 11.00 Болалар учун фильм. «Нега қиш бўлди?». 11.30 Уқув кўрсатуви. Зоология. Судралиб юрвчи ҳайвонлар синфи. 12.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

УзТВ II «ТОШКЕНТ»

18.00 Янгилар. 18.10 «Кўрғазма» ишрофи. Мультфильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунаҳлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Қишда ҳам ёз неъматлари». 19.50 Хукумат тadbирлари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳазини таваллудининг 125 йиллиги хотира кечасидан ёзб олинган концерт. 22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилар (АҚШ). 22.30 «Утган кунлар». Бадий фильм.

УзТВ II

18.05 БИШКЕК КўРСАТАДИ
«ОРБИТА IV»
5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилар. 9.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.10 «Сабахатчилик клуби» (сурдо таржимаси билан). 11.00 Николай Озерова аталган гулдasta (туғилган кунининг 70 йиллиги). 11.50 «Филла». Мультфильм. 12.00 Янгилар. 12.20 «Оқ маликанинг юриши».

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 Ер ва дийр тароналари. 8.10 «Сени кутамиз, Темур!». Бадий фильм. 9.40 Турк тили. 10.10 «Павлово халқ амалии санъати». Телефильм. 10.30 Уқув кўрсатуви. Информатика. Бейсик тилининг буйруқлари бўйича амалии машғулот. 11.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Рўзгор ташвишлари». 18.00 Янгилар. 18.20 «Сабахат».

Бадий фильм. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Бридж». 15.50 «Бизнес-класс». 16.05 «Ен дафтар». 16.10 «Майя арис». Кўп сериали мультфильм. 16.35 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади. 17.10 «Марказ». 17.50 «Матбуот-экспресс». 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида». 18.35 «Инсон ва қонун». 19.05 «Волхонкадаги уй». Кўп сериали телефильм премьераси. 9-фильм (яқунловчи). 19.50 «Мўъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 «Де-активлар клуби»да. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қирғоққа уриладиган тўлқин чизигида». Бадий фильм (Свердловск киностудияси). 22.55 Катталар учун мультфильм. 23.05 «Мусаввир Жигальцевнинг ёғоч одамчалари». Телефильм. 23.25 «Сибсий бюро». 00.40 «Музобоз». 01.20 «Ҳарфанинг машхур кишиси». 01.35 «Авто-шоу». 01.50 «Юлдузли ёмғир». Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

УзТВ I

8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.55 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Ватаним менинг». 9.50 «Қадимий қўшиқнинг умри боқий» (Мурманск). 10.15 «Оқ қарға». 11.00 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари. 12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 111-серия. 12.50 «Москва тор кўчаларининг сукунати». 13.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаётган». 13.35 «ТИНКО» Савдо уйи. 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 16.10 «Телебиржа». 16.40 «Рост» студияси кўрсатади. «Ун беш ёшли капитан». 17.10 Янгилар. 17.25 «Ҳали англамаган коинот». 17.55 Эълонлар.

18.00—18.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.55 «Ниҳоятда таҳликали бўлима». 19.30 Жума кунлари Уолт Дисней «Чипс — ҳарбийлар ити». Бадий фильм. 2-серия. 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 «Океан адмирали». Бадий фильм (Англия). 21.45 Криминал хабарлар экрани. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25—01.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.55 «Ниҳоятда таҳликали бўлима». 19.30 Жума кунлари Уолт Дисней «Чипс — ҳарбийлар ити». Бадий фильм. 2-серия. 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 «Океан адмирали». Бадий фильм (Англия). 21.45 Криминал хабарлар экрани. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25—01.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.55 «Ниҳоятда таҳликали бўлима». 19.30 Жума кунлари Уолт Дисней «Чипс — ҳарбийлар ити». Бадий фильм. 2-серия. 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 «Океан адмирали». Бадий фильм (Англия). 21.45 Криминал хабарлар экрани. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25—01.00

12 ШАҒНА

УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Иван Васильевич қасбини ўзгартиради». Бадий фильм. 9.30 «Шоҳруҳ» клуби. 9.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Уйга! Изла! Топ!» 10.50 «Алифбо сабоқлари». 11.20 «Эл хизматиди». 11.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Шукруллаевнинг ижодий кечаси. 12.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Билимдон мунажжим». Болалар учун эртак. 13.30 Тижорат канали: «Чўл миришкорлари». 14.10 Уйгун. «Парвона». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

УзТВ II

АШГАБАТ КўРСАТАДИ
7.00—14.00
17.00—23.30
«ОРБИТА IV»
6.40 Эрталабки гимнастика. 6.50 Ишбилармон кишининг шағна тонги. 7.50 Янгилар. 8.30 «Спорт-миконият». 9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга. 9.25 Экологик кўрсатуви. 9.40 «Уз-ўзинга мадд бер». 10.10 «Шағна кунги дастхат». 10.40 Авиакосмос салон. 10.55 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 11.25 «Муслиқ дўкон». 11.55 «Христос ва Антикхрист». Беларусь Давлат рус драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Муаллиф — Д. Мерзжовский (театр юбилейига бағишланади). 14.20 «Сибсат» студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокида АҚШнинг «Танлаш эркинлиги» кўрсатувини таништиради. 4-кўрсатуви. 14.50 «Матбуот-экспресс». 15.00 Янгилар. 15.20 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади. 15.50 «Зеркаль». «Чол ибн Хаттоб». Бадий фильм. 17.20 АВБГД ЛТД телесериали. 8-серия — «Севги ва кредит». 17.50 «Қизил квадрат». 18.30 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. Хизматкор. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 «Аншлаг. Аншлаг. Аншлаг». Владимир Винокур. 22.45 «Фоменко қаерга гоиб бўлди» Телевизион бадий фильм. 24.00 Янгилар.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 «Спорт олами «Жиллет» фирмаси нигоҳи билан». 8.50 «Юқоридан қаромат қилинган...» 9.35 «Калит» кўрсатуви. «1812 йилнинг момақалдирогги». 10.05 «Олти сотих». 10.25 «Қиролликдаги сарғуашт». Кўгирчоқ мультфильм. 16-серия.

10.55—15.40

УЗБЕКISTON
ТЕЛЕВИДИЕНИСИНING
«ДУСЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
15.40 «Поэнер ва Донохоня». 16.10 «Ҳайвонот оламида».

17.10—20.15

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.15 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Ун икки миллириф ортида». 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25 Телевизион теннисрувал бюроси. 23.20 «Эрол». Режиссёр Д. И. Карасик. 00.05 Эс-Эн-Си тунги клуби.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 8.50 Мансаб алифбоси. «Германия йўлларида». 9.15 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье». 9.30 «Чангалзорларда». 10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали. 11.15 «Однимлар». Кўрсатуви профессор Д. Волгонов олиб боради. 11.55 «Доразмон». Мультфильм премьераси (Япония). 14-серия. 12.10—16.45

8.00 Хабарлар. 8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 8.50 Мансаб алифбоси. «Германия йўлларида». 9.15 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье». 9.30 «Чангалзорларда». 10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали. 11.15 «Однимлар». Кўрсатуви профессор Д. Волгонов олиб боради. 11.55 «Доразмон». Мультфильм премьераси (Япония). 14-серия. 12.10—16.45

УЗБЕКISTON

ТЕЛЕВИДИЕНИСИНING
«ДУСЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
16.45 Чегарасиз футбол. 17.40 «Репортёр». 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 «К-2» таништиради: «Абзац».



Кунларнинг бирида...

Урушга қадар санъат ва адабиётнинг кекса вакиллари ўз дидлари ва ёшларига мос кишилар даврасида нафис суҳбатлар ўтказиб турар эдилар. Бундай суҳбатларда дўкондор ҳам, аптекачи ҳам ё оддий ишчи ҳам иштирок эта оларди. Фақат уларнинг барчаси шеърият ва муסיқа қадрига етувчи кишилар бўлиши лозим эди, холос.

Кунларнинг бирида (бу воқеа эса 1941 йилнинг 9 октябрида бўлган) Мулла Тўйчи ҳофиз билан шоир Хис-

Тарихи минг уч юз ва олтинчи эди, Сөзу хониш бирла тонг отмиш эди.

Хислат домла бу суратни шундай ажойиб табассум билан шоирона тавсиф этган бўлишига қарамай, мен ҳар сафар бу сатрларни ўқиб, улуг алломаларнинг шу расмга тушган ҳодисаларини аниқ-тайин кўргандек бўламан.

Олийжаноблик қурбони

30—40-йилларда русм бўлган одатга кўра, шоирлар ҳордиқ соатларини

Адибнинг негativi

Камина кунларнинг бирида шифонада даволанаётган отамни кўргани борганимда, ҳамхоналарнинг қизгин баҳслари устидан чиқиб қолганман. Кейин билсам, хонадаги эркаклар қайси бирлари чиройли эканликлари хусусида баҳслашаётган эканлар. Баҳслашувчи кишилар орасида ёзувчи Саид Аҳмаднинг раҳматли акаси Инъомжон Хусанхўжаев ҳам бор эди.

Орадан бир канча йиллар ўтгандан кейин Саид Аҳмад аканинг даврасида кўп бўладиган бўлдим. Маш-



Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Анвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайё ТУЛАГАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ГҲЛОМОВА.



● Бош муҳаррир қабул-хонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовини — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибхона — 56-87-59

БЎЛИМЛАР

● Ижтимоий, иқтисодий ва социал масалалар — 56-82-79.

● Маънавият маданият ва хатлар — 56-87-78.

● Безатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалик ва нашрилик — 56-55-85.

ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24;
Гулистонда — 2-10-02;
Жиззахда — 2-39-54;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда — 4-19-97;
Самарқандда — 35-63-64;
Термизда — 2-70-07;
Тошкентда — 56-87-59;
Урганчда — 6-87-82;
Фарғонада — 4-47-73;
Қаршида — 5-33-71.

● Мухарририятга келган кўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайдми, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайдми. Тахририят воситачилик қилмайдми. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кунини Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гуводнома берилган.



СОТУВДАГИ НАРХИ 3 СУМ.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 4-декабрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Турғун Назаров, Шавкат Қўлибоев.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» газетаси кўчаси, 24-уй.

● Буюртма Г-481

● 101210 нусхада босилди

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босма хонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

лат эшон шундай латофатли кунлар тарихида қолсин учун суратга тушиб қўйишга аҳд қилганлар. Тонг отиб, бошқа улфатлар таркагандан кейин улар тўрт киши бўлиб, суратхонага бориб, расмга тушганлар. Пастда ва ўртада давранинг зийнати — машҳур ҳофиз ўтирган. Унинг сўл тарафида Низомжон исмли танбурчи, ўнг тарафда Ҳожиёв деган скрипкачи ва тепада Мулла Тўйчининг орқасида, Хислат эшон ўтирган.

Хислат эшон ўзига тегишли суратни шарҳлаб орқасига шундай сўзларни ёзган:

Тўйчи Ҳофиз суроти ўртодаги,
Бир кўришга мушток эл дунёдаги.

Оврупо ғижжаги онда ўнг тараф,
Ҳожиёв исми ила ибод шараф.

Ёнма-ён чапда Низомжон ўлтирур,
Танбурин айлаб намоён, ўлтирур.

Сўрса: «Ким тепода турган қараб?»
Ҳабибулло Хўжа Хислатдур лақаб.

кўпинча қарта сузиш билан ўтказар эдилар.

Бундай одат Шайхзодага ҳам бегона бўлмаган. У «Кизбек»ни тутатиб, янги-янги рақиблар билан қарта жангига киришни ва бу жангда ғолиб чиқишни севган.

Кунларнинг бирида у ўша пайтларда ёш адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов билан ҳамдам ҳолда кимларгадир қарши қарта ўйнаган. Биринчи ва иккинчи ўйиндаёқ очколарини ғалаба маррасига олиб бориб қўйган. Шундан кейин у қарталар сони билан эмас, балки ҳақиқий маданиятли кишиларга хос усулда — фақат чиллилар ҳисобига юриш учун ўйнаган.

Аммо бу сафар омад ундан юз ўғириб, устоз билан шогирд ютқазиб қўйганлар. Вазиятнинг бундай тус олишини кўрган шоир ўзига хос донолик билан: «Биз ўз олийжаноблигимизнинг қурбони бўлдик», деб шармандали маглубиятни кулгига айлантирган.

Азиз газетхон! Қуйидаги таърифлари баён этилган сўз ва номлар улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид. Жавоблар кетма-кет ёзилиб жанжир ҳосил қилади.

1. Шоир таваллуд тоғдан шаҳар. 2. Аруз вазнида ёзилган тўрт мисралик шеър. 3. «Лайли ва Мажнун» достони қаҳрамони. 4. «Лисон ут-тайр» фалсафий достонидаги афсонавий қуш. 5. Навоий маҳорат билан кашф қилган шеърият тури. 6. «Хамса» достонларидан бирининг бош қаҳрамони. 7. Навоий таърифида адолатли шоҳ сифатида гавдалантирилган қаҳрамон. 8. Шеър мисраларида қолифдан кейин такрорланиб келадиган сўз. 9. Севги ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик мадҳ этилган достон қаҳрамони. 10. «Сабъаи сайёр» достони асосида бастакор Мухтор Ашрафийнинг сахна асари. 11. Шоирнинг замондошларига ёзган мактубларидан иборат китоби. 12. Шоир ҳаётининг

сўнги даврида ёзган «Маҳбуб ул-қулуб» асари сўнги қисми — панд ва ҳикматларнинг аталиши. 13. «Алишер Навоий» тарихий фильмида шоир сиймосини гавдалантирган санъаткор. 14. Шеър ўлчови. 15. Навоий газали билан ижро этиладиган кўшиқ. 16. Бадий ижодда мактуб шаклида ёзилган асар. 17. Шоир яшаган шаҳарлардан бири. 18. Адиба Л. Батнинг Навоий ҳақидаги «Ҳаёт бўстони» қиссаси қаҳрамони. 19. Бадий ижодиёт соҳаси. 20. Шоирлар айтишуви анжумани. 24. Алишер Навоий «Мезон ул-авзон» асарида баён этган шеърий вазн. 22. Шоирнинг икки тилда муваффақият билан ижод қилганлиги эвазига берилган ном. 23. «Хамса»даги ижобий қаҳрамон, Қайсга хомийлик ва сарварлик қилган олийжаноб ота. 24. Ёш Алишер истеъдодига юксак баҳо берган машҳур замондош устоз шоир.

Фозилжон ОРИПОВ.

«МУТАФАККИР ШОИР» — ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



БУЮРСАНГИЗ БАС

«Ишонч» газетаси тахририяти киска муддатда таклифномалару ташрифномалар (визиткалар)ни, фирма бланкалари-ю этикеткаларни, ёрликлару нархномаларни тез ва сифатли тайёрлаб беради, турли хил матнларни кўпайтириш ишларини бажаради.

Бизга буюрсангиз бўлгани
МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳар,

Правда Востока кўчаси, 24 уй.

Маълумот учун телефон: 56-87-59.